

## Фикр дурдоналари (21-қисм)



10:36 / 30.03.2017 5116

**106.** Луқмони ҳаким дедилар: “Солиҳа аёл бамисоли подшоҳнинг бошидаги тож. Ёмон аёл бамисоли қари одамнинг орқасига ортилган оғир юк”.

**107.** Тоғларнинг чўққисига олам сени кўриши учун эмас, сен ўзинг оламни кўриш учун чиқ!

**108.** Мен ҳеч кимни, ҳатто мени хўрлаган, мени ташлаб кетган дўстларимни ҳам ёмон кўрмайман. Лекин энди уларни ёнимга қайта қабул қилолмайман.

**109.** “Эй, Раббим! Мени ва ота-онамни мағфират этгин!” деган дуони кўп қил! Чунки, бу дуо учта ибодатни ўзида жамлайди:

- дуони;

- ота-онага яхшилиқни;

- истифори.

**110.** Муҳаббатдаги энг гўзал нарса бу – ишончдир. Бирга кексаямиз, бирга ҳурсанд бўламиз, бирга йиғлаймиз, йиллар ўтса-да, бир-биримизга нисбатан вафодорлигимизча қоламиз.

*Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари), “Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.*

**Нозимжон Ҳошимжон** таржимаси